

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИ КИБЕРХАВСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ПРОФИЛАКТИКАСИ

Ҳасанов Шарофиддин Шамшурович

ИИБ Академияси Ташкилий-штаб фаолияти кафедраси доцен в,б, фалсафа фанлар
бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568539>

Аннотация Ушбу мақола Ички ишлар органларини киберхавсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини профиликтикаси, уларни олдини олиш борасида чора-тадбирларини ишлаб чиқиш жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Электрон ҳукумат, фуқароларнинг рақамли паспорти, криминоген вазият, кибержиноят, ахборот тизимлари, жамоат хавфсизлиги, интернет тармоқлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” билан белгиланган биринчи устувор йўналишининг тўққизинчи бандида белгиланган мақсадидан келиб чиқиб белгиланган вазифалари ҳам ўз навбатида Интернет тармоғлари орқали хизмат кўрсати сифатини оширишга қаратиланлиги, ҳозирда бу соҳа жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этишини белгилаб берди, жумладан, мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгилаб берилди:

- “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушини 100 фоизга етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этиш;
- Давлат хизматларини мобил иловалар орқали кўрсатишни кенгайтириш;
- Давлат хизматларини кўрсатишда шахсни идентификация қилишнинг Mobile ID тизимини жорий қилиш;
- “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали давлат органлари ҳамда хусусий тижорат ташкилотлари ўртасида маълумот алмашинувини йўлга қўйиш асосида бюрократик жараёнларни қисқартириш;
- шахсга доир маълумотларнинг ҳимоясини таъминлайдиган рухсат бериш ҳамда хабардор қилиш тизимини жорий этиш;
- фуқароларга муддатли, муайян фактни тасдиқловчи ҳужжатларни бериш ва алмаштиришни ҳамда композит давлат хизматларини уларнинг мурожаатини кутмасдан туриб таклиф этиш амалиётини йўлга қўйиш;
- кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, уларга қулайликлар яратиш;
- “рақамли идора” лойиҳаси доирасида давлат органларида иш юритувини рақамлаштириш орқали маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва бошқарув жараёнини автоматлаштириш;
- “фуқароларнинг рақамли паспорти” лойиҳасини жорий қилиш ҳисобига аҳолидан муайян фактларни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиётини бекор қилиш;
- хориждаги Ўзбекистон фуқароларига давлат хизматларини кўрсатиш амалиётини кенгайтириш;

Бинобарин, бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларимизни узоғини яқин қилишга, яшаш шароитларини замонавий шаклда ўзгартиришга қаратилган соғлом Интернет-муҳитига эга ахборотлашган жамиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш масаласида қонунчиликда белгилаб берилган ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг барча турлари ва уларнинг чора-тадбирларидан самарали фойдаланиш лозим.

Ички ишлар органларини киберхавсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини профиликтикаси, уларни олдини олиш борасида Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни билан профилактикасининг қуйидаги турлари белгилаб берилган:

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси.

Ички ишлар органларини киберхавсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини умумий профилактикасини амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти ҳисобланади.

Кибержиноятларнинг умумий профилактикасининг объекти - кенг жамоатчиликдир ва бунда алоҳида шахслар танлаб олинмайди. Масалан, маҳалла аҳолиси, меҳнат жамоалари (корхона, муассаса, ташкилотлар ходимлари), вояга етмаганлар жамоаси (мактаб, коллеж ва академик лицейлар), ёшлар жамоаси ва бошқалар. Бунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси барчага бир ҳил равишда етказиб берилади ва таъсир доираси кенгроқлиги билан ажралиб туради.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик фаолияти жамиятга зид ғайриижтимоий ҳодиса ва жараёнларнинг, турли воқеа, ҳодиса ва ҳолатларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, таъсир этиш, кучсизлантириш ва олдини олишга қаратилган кенг қамровли ижтимоий-ҳуқуқий воситалар орқали амалга ошириладиган фаолиятидир.

Аҳоли орасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда ваколатли органлар томонидан меҳнат, вояга етмаганлар каби жамоалар ўртасида Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тушуниришлар, хусусан, маърузалар ўқиш, давра суҳбатлари уюштириш, тарғибот буклетлари тайёрлаш тарқатиш катта самара беради. Ушбу тарғибот тадбирларида фуқароларда Интернет тармоқлари орқали содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг салбий оқибатлари, келиб чиқиш сабаблари ва бу борада шахсларнинг хушёрлигини ошириш борасида турли вазифалар амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Хуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш кейинги содир этилиши мумкин бўлган оғирроқ хуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 296-моддасига мувофик, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят иши бўйича иш юритишда жиноят сабабларини ва улар содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлашлари шарт бўлиб, бу жиноятчилик ва бошқа хуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган фаолият самарадорлигини жиддий тарзда ошириш воситаси ҳисобланади¹.

Ушбу кодекснинг 297-моддаси талабларига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаб чиқиб, тегишли давлат органига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома киритади. Тақдимноманинг нусхаси ишга қўшиб қўйилади.

Шунингдек, содир этилган жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон яратиб берган шарт-шароитларни “Жиноятга қарши курашиш ҳақиқати ва адолати” тизими асосида жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш, бу борадаги хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар, муассасаларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида 2021 йил 10 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”²ги 565-сон Қарори тасдиқланган.

Бунга кўра ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарлари томонидан хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар иштирокида жиноятларнинг сабабларини ўрганиш, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш масалаларини жойига чиққан ҳолда «маҳаллабай» ва «соҳабай» муҳокама қилиш тартиби жорий этилган³.

Ушбу қарор билан жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилишни ташкил этиш тартиби, жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамасини ўтказиш тартиби, жиноятларнинг тури ҳамда хусусиятларидан келиб чиқиб, вакиллари муҳокамада иштирок этиши шарт бўлган давлат органлари ва ташкилотлар рўйхати, содир этилган жиноятлар ҳамда суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш ва ҳисобини юритиш бўйича ишчи орган ва унинг вазифалари кўрсатиб ўтилган.

¹ <https://lex.uz/acts/111460>

² <https://lex.uz/docs/5623688>

³ <https://lex.uz/docs/5623688>

Ички ишлар органларини киберхавсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини профилактикаси, олдини олиш *қуйидаги усулларда амалга оширилади:*

– аҳоли орасида, жамоаларда ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий мазмундаги тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш (маҳалла фуқаролар йиғини, яраштириш комиссиялари, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар билан ҳамкорликда);

– оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб, яъни газета ва журналларда мақолалар эълон қилиш, радиоэшиттиришлар ташкил этиш, телевидениеларда турли кўрсатувлар тайёрлаш;

– маърузалар ўқиш, суҳбатлар уюштириш ва учрашувлар ташкил этиш.

Умумий тартибда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг шакллари эса қуйидаги тўрт турда амалга оширилиши кўзда тутилади: *ёзма, оғзаки, кўргазмали ва электрон*. Албатта, умумий тартибда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда шаклни танлаш ва ўз ўрнида қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда кўпинча оғзаки шакллар билан бирга кўргазмали шакллардан фойдаланиш самаралироқ ҳисобланади. Яъни, профилактикани амалга оширишда фақат бир шаклдан фойдаланиш эмас, балки бошқа шаклларни биргаликда қўллаш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, XXI асрда мафкуравий кураш усул ва воситалари илгариги қабул қилинган қонун-қоидалардан тубдан фарқ қилади. Чунки олдин кенг жамоатчилик ананавий равишда оммавий ахборот воситалари (телевидения, газета, радио) орқали таъсир қилинган бўлса, ҳозирги кунда фуқаролар зарурий ахборотларни олишда Интернет тармоқларидан фойдаланишади. Яъни, жамиятнинг бу қатлами учун оммавий ахборот воситаларига нисбатан асосий ахборот муҳути Интернет ҳисобланади. Шунинг учун компьютер мутахасислари, кенг аудиторияга эга ҳамда кўп кузатувчилари мавжуд блогерлар ва тармоқда (Facebook, Instagram, Tik tok, Telegram ва ҳ.к) ўз саҳифаларига эга бўлган шахслар билан Интернет тармоқлари орқали профилактик-огоҳлантирув ишларини кўпроқ олиб бориш юзасидан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйса мантиқан тўғри бўлади. Бунда киберхавфсизлик юзасидан адабийча фикрлашдан қочиб фуқаролар онгига оддий ва содда усулда, инсон онгига тез таъсир ўтказувчи воситалардан фойдаланган ҳолда етказилса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ички ишлар органларини киберхавсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини профилактикаси, олдини олиш *ни* бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолиятини ўз ичига олади⁴.

ИИО киберхавсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини махсус профилактикасининг ўзига хос хусусияти унинг қачон ва қайси вазиятда, қайси

⁴ <https://lex.uz/uz/docs/5960604>

жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун ўтказилиши билан ажралиб туради.

ИИО киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини профилактикаси, олдини олиш махсус профилактикасини амалга ошириш учун қуйидагилар асос бўлади:

- кибержиноятларни содир этиётган шахслар тоифаларининг кўпайиши;
- жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши.

Аммо, қонунда фақатгина қуйидаги учта тоифадаги шахслар ўртасида амалга ошириладиган махсус профилактик тадбирлар кўрсатилган, хусусан:

- илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- алкоголь ёки гиёҳвандлик воситалар, психотроп моддалар ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

Бугунги кунда долзарб масалалар сифатида эътироф этилаётган Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан махсус профилактик тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш ҳамда уни номини белгилаш мазкур муаммони ечимини топиш заруратини келтириб чиқаради.

Шу боисдан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган “Хавфсиз Интернет” махсус тадбирлари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Криминоген вазият таҳлили натижаларига асосан маъмурий ҳудудда ёки у ерда жойлашган алоҳида объектда айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этувчи шахслар тоифаларининг кўпайиши, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган хавф-хатарлар таҳдидларнинг юзага келиши кучайганда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга, ғайриижтимоий ҳуқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширади.

Ҳозирги кунда ахборот – коммуникация технологиялари соҳаси бўйича мутахасислар тайёрлаб бераётган олий ва ўрта-махсус таълим ўқув юртлари талабалари ва уларнинг битирувчилари томонидан мазкур турдаги жиноятлар содир этилмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Бундан ташқари ҳозирги кунда бўлажак мутахасислар орасида мазкур турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олиш мақсадида уларни ҳуқуқий онгини шакллантиришга унчалик эътибор берилмаяпти десак тўғри бўлади. Мазкур ўқув юртларида барча ҳуқуқий фанлар бир семестр юристпруденция курси билан чекланган бўлиб умумий масалалар кўриб чиқилади.

Бунда юристпруденция йўналиши бўйича ўқув жараёнида нафақат умумий масалалар балки талабалар онгида Интернет тармоқлари орқали жиноят содир этилиши қонунчилик билан тақиқланганлиги ва тегишли жавобгарликни келтириб чиқариши юзасидан илмий асосланган ягона мафкуравий йўналиш ишлаб чиқиш лозим бўлади.

ИИО киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини якка тартибдаги профилактикаси – бу ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолиятдир.

ИИО киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини профилактикасининг мазкур тури якка тартибдаги профилактиканинг объектига (ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар, шунингдек ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар ёки ҳуқуқбузарликдан жабрланган шахслар) самарали тарзда профилактик таъсир кўрсатиш имкониятига эга ҳисобланади. ИИО киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятларни содир этилишини якка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини тавсифловчи ва бошқа омиллар ҳисобга олиниши шарт ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси ички ишлар идораларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи соҳавий хизматлари томонидан ўз фаолият йўналишлари ва ваколатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятлар ва киберҳуқуқбузарликларни фош этиш ва тергов қилиш, етказилган зарарни бартараф этиш ҳамда олдини олиш бўйича зарур қарорлар қабул қилиш, киберхавфсизлик ва кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, кибертерроризм, киберэкстремизм, уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, давлат органлари манфаатларига ҳамда киберхавфсизлигига таҳдид солувчи киберҳатарларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш, кибержиноятлар бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки терговни ўтказиш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг содир этилишига имкон яратувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш каби муҳим вазифаларни бажариш ҳам бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири эканлигини унутмаслик лозим. Зеро, давлатдаги ҳар бир фуқаронинг хавфсизлиги давлат учун муҳим аҳамият касб этади.

Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасининг чора-тадбирларини бугуни кун талабидан

келиб чиқиб ишлаб чиқиш, аниқ йўналишларини белгилаш муҳим. Бу йўналишда бизнингча қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Доимий равишда, банк пластик карталари билан боғлиқ пул ўғирлиш ва фирибгарлик ҳолатлари юзасидан келиб тушган ҳар бир мурожаатларни текширув натижаси бўйича унинг қонунийлиги ва жазо муқаррарлигини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ИИБ тизимида республика миқёсида банк пластик карталари билан боғлиқ содир этилаётган пул ўғирлаш ва фирибгарлик ҳолатлари, Интернет ижтимоий тармоқлари орқали жиноят содир этиб келаётган ҳамда ушбу турдаги жиноятларни содир этишга мойил шахслар рўйхатининг *ягона базасини* шакллантириш, ушбу шахслар тўғрисида маълумотларнинг вилоятлараро алмашинувини ва тезкор ишлар олиб борилишини йўлга қўйиш;

- Ҳозирги кундаги ахборот – коммуникация технологиялари соҳаси бўйича мутахассислар тайёрлаб бераётган олий ва ўрта-махсус таълим ўқув юртлари талабалари ва уларнинг битирувчилари томонидан мазкур турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олиш мақсадида уларни ҳуқуқий онгини шакллантириш, талабалар онгида Интернет тармоқлари орқали жиноят содир этилиши қонунчилик билан тақиқланганлиги ва тегишли жавобгарликни келтириб чиқариши юзасидан илмий асосланган ягона мафкуравий йўналиш ишлаб чиқиш;

- Барча таълим муассасаларида Интернет тармоғи ахборот ресурсларидан унумли фойдаланишларини кўникмасини ташкил этиш учун “Хавфсиз Интернет”, “Интернет маданияти” мавзуларида ўқув машғулотлари ташкил этиш;

- Фуқароларда Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларнинг жабрланувчисига айланиб қолмаслик юзасидан профилактик-огоҳлантирув тадбирларини олиб боришда блогер ва ижтимоий тармоқларда кенг аудиториясига эга бўлган шахслардан кенг фойдаланиш;

- Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган “Хавфсиз Интернет” махсус тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш.

- Аҳоли орасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда ваколатли органлар томонидан меҳнат, вояга етмаганлар каби жамоалар ўртасида Интернет тармоқларидан фойдаланиб содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тушунтиришлар, хусусан, маърузалар ўқиш, давра суҳбатлари уюштириш, *тарғибот буклетлари тайёрлаш тарқатиш катта самара беради*. Ушбу тарғибот тадбирларида фуқароларда Интернет тармоқлари орқали содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг салбий оқибатлари, келиб чиқиш сабаблари ва бу борада шахсларнинг хушёрлигини ошириш борасида турли вазифалар амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, киберхавфсизликни таъминлаш, кибержиноятлар, киберҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш нафақат давлат органларининг, балки шу жамиятнинг аъзоси ҳисобланган ҳар бир инсоннинг

вазифасидир. Энг аввало, ўзимиз, оила аъзоларимиз ва жамият олдидаги масъулиятни доимо ҳис қилиб яшаш, атрофдаги ҳодисаларга бепарволик билан муносабатда бўлмаслик, тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиб яшаш барчамизнинг кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши зарур.

References:

1. <https://lex.uz/acts/111460>
2. <https://lex.uz/docs/5623688>
3. <https://lex.uz/uz/docs/5960604>
4. <https://lex.uz/docs/5623688>
5. <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%>